



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

20 21-yil 12 -apren

682k -son

Bog'ot shaharchasi

Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласи худудидан “Ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 98-сонли йигилиш баёни 105-банди ижросини таъминлаш мақсадида, ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хуносасини ва шу юзасидан тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 20, 29-моддасига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 98-сон мажлис баёнининг ижроси раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Боғот тумани “И.Дусов” массиви ер харитасининг 1137, 1110, 1111, 1112 контурларида жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган бошка ерлардан иборат жами 5,0 гектар ер майдони “Ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил қилиш учун ажратилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Курбонов) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибоев)га.

- “Ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил қилиш учун ажратиб берилган 5,0 гектар ер майдонини батафсил режалаштириш лойихаларини ишлаб чиксин.


- ишлаб чиқилган лойиха бўйича белгиланган тартиба ер участкасини лотларга таксимлаб чиқсин.

- ер хисоботига тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур карорни тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов ва туман ҳокими ўринбосари У.Ёқубов зиммаларига юклатилсин.

Боғот туман ҳокими



Ш.Яхшибаев